

Таълим муассасаларида “Тарбиявий соатлар”, “Эрталабки сафланиш” “Маънавият кунлари” да маънавий-маърифий тарғибот ишларини мазмунли ташкил этиш бўйича

ТАВСИЯ

Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу – табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган Ватаннинг тарихини билишни истайди.

Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган.

Хар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аждодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган, деган саволларни ўзига бериши табиий. Бу миллат кишилик тараққиётига ўзининг ўчмас улушкини кўшган, мамлакатимиз шуҳратини оламга таратган, тарих сахифаларига агадул-абад мухрланган. Заминимиз азалдан буюк алломалар, мутафаккирлар, ўз замонасидан ўзиб кетган даҳолар юрти бўлиб келган. Абу Райхон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Али Кушчи, Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Абу Бақр Каффол Шоший, Абу Мансур Мотуридий, Абдухолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Абулмуин Насафий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий... номларининг ўзи бир китоб бўлади. Бири калом илми устози, бири фалак тоқига нарвон кўйган забардаст олим, бошқаси амалий тиббиёт отаси, бири калом илми дурдонаси, яна бири мухаддислар сultonи.

Таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида тарбиявий соатлар, эрталабки сафланиш, маънавият кунларида “Бухорий аждодлари”, “Марғиноний авлодлари”, “Мотуридий авлодлари”, “Нақшбанд авлодлари”, “Ислом сивилизация билимдони” шиори остида очиқ дарсларни ўтишда умумтаълим мактаб ўқувчиларини ватанпарварлик эътиқодини шакллантиришнинг энг муҳим асосларидан бири – ёшларда Ватан, унинг моҳияти, инсон ҳаёти ва фаолияти учун аҳамияти ҳақида тушунча ҳосил қилишdir. Ватанни севмоқ учун даставвал унинг маъносини, тарихини, тақдири ва истиқболини чуқур англаб етмоқ керак.

Ислом оламида ўзига хос алоҳида хурмат ва эътиборга сазовор, мусулмон юртлари ичида бизга фарҳ бағишловчи буюк аждодларимиздан бири бу шубҳасиз Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳазратларидир. Бу зотнинг илм йўлида чеккан риёзатлари, ҳадис илмининг ривожига қўшган ҳиссалари ҳамда яратган асарлари бутун дунёда тиллардан-тилларга достон бўлган. Ислом динининг биринчи муқаддас манбаси бўлмиш Куръони каримдан кейинги ўринда турувчи “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” ҳадислар тўплами ҳам шу улуғ зотнинг кўп йиллик илмий фаолиятлари ва бу йўлдаги

ихлослари, ислом умматига нисбатан тутган холис ёндашувларининг маҳсулидир. Имом Бухорийдек зот хақида кўп гапириш мумкин, кўп гапирилган ҳам, бундан кейин ҳам гапирилади. Зеро ўрта асрлар шароитида бир миллионга яқин ҳадисни дунё бўйлаб тарқалиб кетган минглаб ровийлардан бирма-бир ёзib олиб, текшириб, таснифлаб китоблар таълиф этиш бугунги техника ва кенг имкониятлар асрида ҳам ҳеч кимга насиб этмаётган буюк хизмат ва шарафдир. Бу буюк муҳаддис ровий ва иснодлари билан ёддан билган шунча ҳадислардан 7,5 мингга яқинини ўз “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” китоби эса ислом оламида энг ишончли ҳадис тўплами ҳисобланади.

Истиқлол шарофати билан Бухорийнинг ўлмас мероси элюрти бағрига қайтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Имом ал-Бухорий таваллудининг хижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори (1997 йил 29 апрел) асосида Бухорийнинг илмий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш, хотирасини абадийлаштириш борасида катта ишлар қилинди. 1998 йил 23 октябрда Самарқандда юбилей тўйтантаналари бўлиб ўтди. Аллома абадий қўним топган Челак туманидаги Хартанг қишлоғида улкан ёдгорлик мажмуи очилди.

Бухорийнинг бой маънавий меросини чукур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ташабbusи билан Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси тузилди (1998 йил 4 ноябр; раиси Зоҳидилло Мунавваров). Жамғарманинг асосий вазифаси Куръони карим ва Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»и таржималарининг академик нашрларини тайёрлаш, буюк исломшунослар илмий меросини тадқиқ этиш, диний-фалсафий мавзуларда илмий анжуманлар ўтказиш ва шулар ёрдамида ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялашдан иборат. 2000 йилдан бошлаб мазкур жамғарма ўзининг маънавий-маърифий, илмий-адабий «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналини нашр эта бошлади. Журнал халқимизни миллий-маънавий меросимиздан баҳраманд этиш, миллий, диний қадриятларнинг соғлом идрок этилишига ёрдам беришни уз олдига мақсад қилиб қўйган. Ўзбекистонда Бухорийнинг хотираси муносиб тарзда абадийлаштирилган.

Тошкент Ислом институтига Бухорий номи берилган. Бухорийнинг ҳаёти ва ижодига бағишлиб бир неча тилларда китоб-албом, 2 қисмли фильм (1995), «Ҳадис илмининг сultonи» 4 қисмли киноқисса (1998) яратилган.

Бугунги кунда Имом Бухорий ҳазратларининг бой илмий мерослари ва у зотнинг ислом оламида тутган бемисл ўринларини кенг жамоатчиликка танитиш ишларига доир Президент ҳамда ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 март куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида” 2855-сонли Қарори бунинг яққол мисоли бўла олади.

Мазкур қарордан кўзланган мақсад буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг сultonи Имом Бухорийнинг бой мероси, у зотнинг жаҳон сивилизатсияси, илм-фан тараққиёти ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чукур тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилиш, ёш авлодни миллатлар ва

динлараро бағрикенглик, ўзаро хурмат, тинч-тотув ҳаётни қадрлаш ва мустаҳкамлаш руҳида тарбиялаш, шунингдек, халқаро миқёсдаги маънавий-маърифий мулокот ва ҳамкорликни кучайтиришдан иборат.

Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи-халқимизнинг умумисоний қадриятларига содиқлиги, улуғ аждодларимиздан авлодларга ўтаётган маънавий мероснинг кучлилигига, фуқароларимизнинг эл-юргита, она заминга битмас-туганмас меҳрида, миллий ғуруримизда.

Юртимизда тарихий шахслар, шаҳарлар, маданий ёдгорликларнинг юбилей ва байрамларини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Бу ерда гап тантанадагина эмас, муҳими, биз уларнинг ўз даврида келажак авлодлар учун қолдирган салмоқли мероси, ижобий ишлари, керак бўлса, умумжаҳон сивилизатсиясига қўшган хиссаларини қадрлаймиз. Албатта, ҳар бир миллат ўз аждодларини эслаш, уларнинг хурматини жойига қўйишга интилади.

Яна шундай аждодларимиздан Буюк фақих, имом Бурҳониддин Марғинонийнинг илмий мероси ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жаҳондаги кўп олий ўқув юртларида мусулмон ҳуқуқшунослиги фанлари Бурҳониддин Марғинонийнинг фиқҳ ва таълимоти асосида ўрганилади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг унинг илмий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, асарларини чоп этиш ишларига катта эътибор берила бошланди. Бурҳониддин Марғинонийнинг илмий мероси ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жаҳондаги кўп олий ўқув юртларида мусулмон ҳуқуқшунослиги Бурҳониддин Марғинонийнинг фиқҳ таълимоти асосида ўрганилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Бурҳониддин Марғиноний вафотининг 800 йиллиги (1997), таваллудининг 910 йиллиги (хижрий сана бўйича) (2000) кенг нишонланди. Шу муносабат билан Марғилон шаҳри марказида Бурҳониддин Марғиноний ёдгорлик мажмуи бунёд этилиб, шу ерда унинг рамзий мақбараси ўрнатилди.

7-синфда Ўзбекистон тарихи дарслигига Ўрта Осиёлик мутафаккирлар. Илм-фан равнақи мавзусида (20-дарс). Калом илми равнақига улкан ҳисса қўшган буюк аллома Абу Мансур Мотуридий сунний эътиқодидаги икки йирик таълимотлардан бири бўлмиш мотуридия таълимотининг асосчиларидан ҳисобланади. Унинг тўлиқ исми Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳанафий Мотуридий Самарқандийдир. Абу Мансур Мотуридий умри давомида фақихлар, муҳаддислар билан мулокотда бўлган ва мунозаралар олиб борган. У ислом динининг ҳанафий мазҳабини Мовароуннаҳрда тарқатиш ва ўзидан кейинги авлодларга қусурсиз етказиш ишига муҳим ҳисса қўшди.

Мотуридий ўз даврининг исломий илмлари соҳасида энг етук билим соҳиби ҳисобланиб, мусулмон дунёси олимлари томонидан тан олинган ва ҳозирда ҳам турли диний асарларда зўр эҳтиром билан тилга олинади.

Мотуридийни улуғлаб “Имом ал-ҳуда” ва “Имом ал-мутакаллимин”, “Ҳидоят йўли имоми ва мутакаллимлар имоми” каби номлар билан ҳам атаганлар.

Mustaqillik sharofati bilan diniy qadriyatlarimiz tiklanayotgan Vatanimizda 2000 yil pruyabrdha Imom al-Moturidiy tavalludining 1130 yilligi nishonlandi.

Samarqandda al-Moturidiy xotirasiga bag`ishlangan yodgorlik majmui barpo etildi, asarlari o`zbek tilida nashr etildi.

Халқ орасида "Балогардон" (яъни дуо билан балоқазони даф қилувчи) унвони билан ҳам машхур бўлган Баховуддин Нақшбанд ўз таълимотини яратишида Юсуф Ҳамадоний ва Абдуҳолик Ғиждувоний назарияларига асосланган. Таълимотининг асосида "Дил-ба ёр-у, даст-ба кор" ("Кўнгил худода бўлсин-у, қўл иш билан банд бўлаверсинг") деган шиор ётади.

Баховуддин Нақшбанд таваллудининг 1993 yil 675 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда Баховуддин Нақшбанд таълимотини ўрганишга аҳамият кучайди. Бухоро давлат уриверситети хузурида "Нақшбандия" илмий маркази иш бошлаган. У ерда тасаввуфий-ирфоний меросни тадқиқ этиш йўлга қўйилди. Бухоро давлат музей-қўриқхонасида ҳам "Нақшбандия" маркази тузилди.

Ўрта асрлар даврида дунё ҳамжамиятига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларнинг меросини ўрганиш умумтаълим мактабларида алломаларнинг яънада чукурроқ ўргатиш юзасидан таълим муассасаларида "Тарбиявий соатлар", "Ерталабки сафланиш" "Маънавият қунлари" да маънавий-маърифий тарғибот ишларини мазмунли ташкил этиш учун

- таълим муассасалари фаелари ва синфхоналарда буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижодидан намуналар акс эттирувчи қўргазмалар ташкил этиш;

- туман ва шаҳарларнинг ҳар бир таълим муассасаси кесимида Ўзбекистон тарихи фани доирасида улуғ алломаларнинг ўрганиш, дарс жараёнида тадбиқ этилиши бўйича муаммо ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишнинг изчил тизимини жорий қилиш;

- Ўзбекистон тарихи фани орқали ўқувчиларимизнинг улуғ алломалар ва ислом дини маънавиятини юксалтиришда тарихий манба ва адабиётларнинг ўрни аҳамиятлилиги муносабати билан мактаб кутубхоналари учун ва фан ўқитувчилари учун "Алломалар тарихи" журналини яратиш;

- маънавий-маърифий ишлар бўйича алоҳида ютуқларга эришган таълим муассасалари ва педагог ходимлар тажрибасини оммалаштириш, уларни маънавий ва моддий рағбатлантириш, ўзаро тажриба алмашинувини кучайтириш;

- ўқувчилар ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш, маънавий-маърифий ишлар сифат ва самарадорлигини ошириш мақсадида тадбирлар доирасида Ўрта асрлар Турон заминда етишиб чиқсан ва дунё ҳамжамиятига ўзининг илмий мероси орқали улкан ишларни амалга оширган алломалар ҳақида илмий, бадиий асарлардан фойдаланишнинг интерактив усулларини излаб топиш орқали ўқувчиларда китобга муҳаббат уйғотиш;

- тарбиявий соатлар, эрталабки сафланиш, маънавият қунлари машғулотлари давомида ўқувчиларда ватанпарварлик, маънавий қадриятлар, умумисоний-ахлоқий фазилатларни шакллантириш;

- барча таълим муассасаларида алломаларнингнинг таваллуд қунларига бағишлиб "Ўз тарихимизни ўрганамиз" мавзусида адабий-бадиий кечалар, давра сухбатлари ташкил этиш;

- Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари ва вазирлик тасарруфидаги Республика таълим муассасалари ўқувчиларини жалб этган ҳолда буюк алломалар ижодига бағишиланган “Буюкларни ёд этиб” мавзусидаги ижодий учрашувларни ташкил этиш;

- умумтаълим мактабларида “Аждодлари улуғ юрт фарзандиман”, “Аждодларга муносиб авлод бўлайлик”, Бобокалонларимиз ижоди – миллий, маънавий хазинамиз” мавзуларида диктантлар, ижодий баёнлар ва деворий газеталар танловини ташкил этиш;

- буюк алломаларнинг исми билан боғлиқ жойларга ўқувчилар ташрифини уюштириш;

- ўқувчи-ёшлар қалби ва онгода турли ғоявий-информатсион таҳдидларга нисбатан маънавий иммунитетни шакллантириш, миссионерликнинг олдини олиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини янада оширишга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар ва профилактик тушунтириш ишларини амалга ошириш;

- Таълим муассасалари раҳбарияти, ўқитувчи-мураббийлар, Бошланғич ташкилот етакчилари ва синф раҳбарлари томонидан режалаштирилган маданий-маърифий тадбирларнинг мазмун-моҳиятини ўқувчилар ўртасида кенг ёритиб бориш ва кутилаётган натижа ҳақида аниқ маълумот бериш.

- Тадбирларни ўқувчиларнинг ёши, бўш вақти ва дарс жараёнига таъсир қилмаган ҳолда дарсдан олдин ёки дарсдан кейин ташкил этишни инобатга олиб режалаштириш.

- Тадбирлар орқали ўқувчиларнинг истеъоди ва қобилиятларини очиш, ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, қўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш.

- Ҳар ҳафта давомида “Бухорий авлодлар”, “Марғиноний авлодлари”, “Нақшбанд авлодлари”, “Ислом сивилизация билимдони” очиқ дарслари янада қизиқарли, мазмумли бўлиши учун қўшимча манбалар (*интернет, адабиёт, газета ва журнallар, фото*)дан кенг фойдаланган ҳолда тайёрланади, реферат шаклида умумлаштирилади ҳамда “Ерталабки сафланиш” тадбирларида “Буюк алломаларимиз” “Ислом сивилизация билимдони” (*ўзбек, рус, чет тилларида*)ни бериб бориши синф раҳбарлари масъуллигига амалга оширилади.

- Синф раҳбари томонидан ўқувчилар тайёрлаган рефератлар жамланади, ҳар ҳафта ҳамда ўқув йили якуни бўйича ўқувчиларнинг алломалар ҳамда ислом сивилизация ҳақидаги фаол қатнашиши шу билан биргалиқда маълумотларни бериб боришдаги иштироки кундалик дафтарларига қайд этиб борилади.

- Синф раҳбарлари томонидан ҳар ҳафта “Тарбиявий соатлар”да ўқувчиларнинг тайёрлаган “Бухорий авлодлар”, “Марғиноний авлодлари”, “Нақшбанд авлодлари”, “Ислом сивилизация билимдони” очиқ дарслар учун тайёрлаган материаллари атрофлича муҳокама қилинади ва амалий қўмак берилади.

- Шу билан бирга, “Ота-оналар мажлислари” ва Жамоат кенгаши ийғилишларида фаол ўқувчилар эътироф этилади (*ўқувчи ҳақида алоҳида*

таъкидлаб ўтилади, ота-онасига миннатдорчилик билдирилади, маънавий ёки моддий разбатлантирилади).

Биздан мангу қоладиган нарса–Ватан шону шухрати, қудрати ва салоҳиятининг юксалиши учун ўзимизнинг фидойи меҳнатимиз билан муносиб ҳисса қўшишдир.

Ватанимиз истиқлонини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаъни-шавкатини юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат хукмрон бўлган эркин жамият, меҳнаткаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт қуриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир.

Биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, иймон-эътиқод, миллий ғурур туйғуси, буюк аждодларимиздан мерос қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб қиласди. Билакларимизда куч, қалбларимизда келажакка ишонч бўлмоғи шартдир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тавсияларга ижодий ёндашган ҳолда қўшимчалар киритиш мумкин.

Республика Таълим маркази
Ижтимоий ва маънавий-маърифий ишлар
бўлими методисти Ўтанов Хуршид Шералиевич